

Ўзбек мумтоз адабиётида Жахонотин Увайсий шеърини ўзининг кенг камровли мохиятга эгаллиги, бадий ифоданинг турли ва ноёб усуллари билан фойдалангани билан муҳим макомга эга. Жумладан, шоира ижодида образ ва рамз муносабатлари ўзига хос. Маълумки, мумтоз меросимиз намуналари замирида биргина гоё эмас, балки бир канча фикр-гоёлар талқини назарда тутилади. Бу эса рамзийликни келтириб чиқаради. Машҳур француз олими Ролан Барт: “рамз – бу образ эмас, бу фикр-гоёлар кўплигининг нақ ўзидир”, – дейди. Рус олими Ю.Борев адабий рамзни: “Литературный символ соединяет в себе образ с идеей”, (яъни адабий рамз ўзида тимсол ва гоёни бирлаштиради), дея таърифлайди. С.Т. Колридж эса: “Символ – умумийликнинг индивидуалликда намоён бўлишидир”, дея рамз мохиятини янада аниқроқ шарҳлайди. Кўринадики, рамзнинг бадий вазифаси тимсолга нисбатан кенгрок. У бир тимсол воситасида кенг камровли, ранг-баранг мулоҳазаларни ифодалаш имконини беради. Шу сабабли ундан адабиётда, хусусан, мумтоз адабиётда унумли фойдаланилган. Жумладан, Жахонотин Увайсий ижодини ҳам рамзларсиз тўлақонли англаш қийин. Хатто, бу борада шоиранинг ўз шарҳлари ҳам бор (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз). Мазкур мақолада Увайсий ижодида қўлланган “бозор” тимсоли ва у билан боглик рамзлар уйғунлигини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Увайсий ижодида “бозор” турли маъноларда қўлланган. У бадий тимсол сифатида ранг-баранг гоёларни, тушунчаларни ифодалайди. Бой лугавий ҳазинамиз жамланган “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “бозор” сўзининг етти хил маъноси кўрсатилади: 1. Савдо қилинадиган маҳсус жой. 2. Савдо қилинадиган кун. 3. Жўшқинлик, шўхлик ҳолати. 4. Товар айирбошлаш муносабатлари. 5. Такдир, қисмат. 6. Бирор ҳаракатнинг ҳаддан ошиши, авжига чиқиши. 7. Эркак ва аёллар исми.

Шоира ижодида мазкур тимсолнинг қўлланилиши халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш, уни ўз ижодига татбиқ этиш анъаналари билан чамбарчас боглик. Чунки халқ оғзаки ижодида ҳам “бозор” сўзи кўп маъноларда ишлатилган. Жумладан, бозор – қувонч, шодлик, жўшқинлик маъноларини ҳам ифодалаб келади. Халқ топишмоқларидан бири “Кишда мазор, ёзда бозор” узум бог шаклига эга. Бу ерда маъновий тазод санъати бор. Бу санъат орқали қисқа жумлаларда кенг фикр камрови ифодалаб берилган. Мазор ва бозор сўзларини параллель қўллаб, вазиятнинг шакл хусусиятлари ва мохият жиҳатлари назарда тутилади. Дастлаб, токнинг кишда қўмилишидаги шакли мазорга, ёзда гурқираб, ёйилиб ўсиши бозордаги ёйиклик ва жўшқинлик ҳолатига қиёсланяпти. Иккинчидан, мазкур образлар орқали вазиятнинг мохияти ҳам шарҳланяпти. Яъни кишда токзорнинг мохиятан сукунат қўйнида, ўлик муҳитдалиги, ёзда эса яшноқ, тирик ҳолатда бўлиши назарда тутиляпти. Халқ онгида киш ва мазор – мотамни билдирса, ёз ва бозор бунинг аксини ифодалайди. Болалик уй – бозор, боласиз уй – мазор мақолида ҳам худди ана шундай жўшқинлик ва кўтаринкилик ҳолати зидлантириш йўли билан тасвирланяпти.

Бозор образининг мумтоз адабиётда қўлланилиши ўзининг маълум такомил тарихига эга. Навоий, Амирий, Оғахий, Нодира каби кўплаб ижодкорлар асарларида мазкур тимсолнинг ноёб талқинини кўрамыз. Жумладан, Лутфийнинг қуйидаги рубоийси бунинг нодир намунаси:

Топти булбул ноладин бозорини
Ким, севар гул нолаи бо зорини.

Писта гар лоф урдиса огзинг била,
Синдур ул огзи очук бозорини.

Асарда шоир “бозор” сўзи воситасида тажнис санъатини кўллаган. Биринчи мисрадаги “бозор” – харидор; иккинчи мисрада – нолалисини, зори борини; тўртинчи мисрада эса тўполончи, маъноларини англантиб келган. Сўзнинг бундай турли маъно кирраларини назарда тутиб кўллаш, ижодкорга киска хажмда кенг фикр камровини ифодалаш имконини яратади. Бу ўринда булбул ижобий, писта эса салбий образ сифатида тасвирланади. Шоир табиатнинг бундай ноёб мўъжизалари воситасида инсоний муносабатлар ва инсон маънавияти билан боглик мухим мулохазаларини махорат билан шеър замирига сингдиришга муваффақ бўлган.

Увайсий шеъриятида ҳам бозор тимсолини кўп учратамиз. Унда ҳам бир нечта жумлаларда ифодаланиши мумкин бўлган фикрни биргина сўз оркали баён этиш махорати намоён бўлади:

Манфаат олди табиат ёрнинг бозоридин,
Касб килди бу сиях зарра анинг анворидин.

Бозор – савдо-сотик килинадиган, бойлик ёйиб ташланадиган жой. Дунё – Яратувчи ўзида бор мавжудликни тўкиб солган бозор. Унда ҳамма нарса бор. Хар ким хохлаганча манфаат топиши мумкин. Табиатнинг гўзаллиги, мафтункорлигининг сабабини шоира ана шундай изохлайди.

Доктор Саййид Жаъфар Сажжодийнинг машхур “Фарханги истилохот ва таъбироти ирфоний” номли лугатида бозор сўзи куйидагича таъбирланади: “Бозор – иборат аз макоми тажаллиёти анворуллох ва мартабайи касрат ва тафрика аст”. Яъни, бозор – илохий нур тажаллиси макомларидан, бўлиниш (айрилиш) ва кўплик мартабаларидан иборатдир. Кўринадики, шоира асарида “бозор” сўзининг ирфоний маъноси назарда тутилган. Лугатда таъбирланган ирфоний маъно шоира фикрлари билан ниҳоятда мутаносиб тушади. Демак, Увайсий мутасаввуф шоира сифатида бозор тимсолининг ирфоний маъносидан хабардор бўлган ва уни газалида ўз ўрнида муваффақиятли кўллаган.

Иккинчи мисрада шоиранинг табиий билимга ҳам эгаллиги кўринади. Курраи замин хакида гапириб, “шу кора зарра” унинг, яъни ёрнинг нуридан гўзаллик, мафтункорлик касб этганини эътироф этади. Шоира биргина жумла билан ернинг тузилишини кўз ўнгимизда намоён этади.

Гар киши бўлса харидори, Увайсий ичра бор –
Ул матойи рамзга бозордурман ишкида.

Бозорда хар бир харидор истаган нарсасини топади. Демак, Увайсий юкоридаги байтда “бозор” сўзини бекорга кўлламаган. Ишк асrorини англашга иштиёкманд харидор учун шоира лирикасида ишк рамзи, унинг сир-синоатлари борасида хохлаган саволига жавоб топиши мумкинлигини эътироф этмоқда. Ушбу мисралар оркали шоира шеъриятининг рамзий шеърият эканлигини таъкидлаётгандек туюлади бизга. Бу ўринда энди “бозор” сўзининг янада ўзгача маъноси кўлланмоқдаки, бу шоира асарларида сўзларнинг турли маъно жилоларини назарда тутиб ишлатишини яна бир карра исботлашга хизмат килади. Иккала мисолдаги бозор тимсоли бир-бирига якин вазифани бажарган.

Гар харидор ўлсанг, эй Вайсий, матои максада,
Юз ўгурма ишкдин, келмас кўла бозорсиз.

Мазкур байтда “ишк бозори” жумласи эътиборни тортади. Юкоридаги лугатда ишк

бозори жумласига алохида изох берилади: “Бозори ишк – таважжуи ошик дар бидояти хол”. Яъни ишк бозори – ошикнинг хол ибтидосига юзланиши демакдир. Изох шоира фикрини тўғри англашимизга ёрдам беради. Маълумки, хол рухият билан боглик илм. У Аллох инояти, хосил этилган рухий мартаба, даража. Уни ўқиш, ўрганиш билан кўлга киритиш кийин. У инсон рухида тугилади, улгайди ва намоён бўлади. Хол солиқ эгаллаган юксак рухий мартабалардан бири. Унга ҳамма солиқлар ҳам эриша олмаслиги мумкин. Унга эришиш учун хакикий, жазбали ишк сохиби бўлмок талаб этилади. Шоира солиқни ишкнинг ана шундай юксак макомига даъват этмокда.

Байтда мато, харидор, бозор каби моддий ашёларни ифодаловчи сўзлар қўлланган. Шоира уларни таносуб санъати воситасида жамлаган. Мазкур сўзлар ижодкор айтмокчи бўлган асосий гоёни изохлаш, шархлаш вазифасини бажарган. Шоиранинг асосий ҳукми ишкдан юз ўгирмаслик. Унинг наздида ишк – шундай бир бозорки, ундан ҳамма нарсани топиш мумкин. Бу бозорга кирмасдан эса максадни кўлга киритиш мумкин эмас. Демак, ишкнинг максадга етиш воситаси эканлигини шоира ана шундай ўзига хос ифодалар оркали тасвирляпти. Маълумки, дунё – бозор деган тушунча мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мазкур байтдан ишкнинг ўзи бир дунё эканлигини ёки ишк – дунёнинг пасту баландини кечиб ўтишдан, уни англаш ва ўзлаштиришдан, кўнгилда дунёнинг хакикий тасвирини, мохиятини улгайтиришдан иборат эканлигини англаймиз. Куйидаги байтда эса биз изохлаган маъно шоира томонидан анча аниқроқ ифодаланганини кузатамиз:

Ишк рамзини ким сўзлади – лоф урди забони,
Савдойи мухаббат сени бозоринга махсус.

Байтнинг мазмуни шундай: Кимки ишк рамзи, унинг мохияти борасида сўзласа, у муболагадир. (Чунки ишкнинг мохиятини англаш ва шархлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди). Зеро, хакикий мухаббат можароси сенинг бозорингагина хосдир. Мазкур мисра мазмунини тушуниш учун унда қўлланган “бозор” сўзи мохиятини англаш лозим. Бу ўз-ўзидан тасаввуф таълимотидаги тажалли гоёси (фалсафаси) билан боглик. Яратувчи ўз жамолини кўриш иштиёкида оламни бунёд этди. Дунё эса – бозор. Ундаги ҳар бир зот ўзига керак нарсани, ўз диди ва савиясига монанд танлайди ва ўз мулкига айлантиради. Шоиранинг ишк, дунё, Оллох ва одам муносабатларига доир нуктаи назарлари ана шундай мохиятга эга. Мазкур байтда шоиранинг ишкка илохий туйғу сифатида баҳо бераётганлиги аниқ кўриниб туради. Ишк мохиятини хакикий англаш, хис этиш факатгина унинг яратувчисигагина хослиги, у ҳақда ҳар хил талқинлар бўлиши мумкинлиги, аммо асл жавхарини англаб етиш мушкул эканлигини Увайсий фикрларидан ўқиш кийин эмас. Шоиранинг бир газали “Билсанг мени жононими дехкони мухаббат, Муфлисларига айлаган эхсони мухаббат”, деган мисралар билан бошланади. Бизнингча, мазкур жумла ҳам юкоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. У ерда ҳам мухаббатнинг яратувчиси борасида мулохаза юритилаётганини англаш мумкин.

Куйидаги байтда эса “бозор” сўзи “махшаргоҳ” маъносида қўлланган:

Хакикат рамзидин савдо агар килса харидоре,
Мухаббат расмида йўқтур куни бозордин гайри.

Эслатилганидек, “Изохли лугат”да “бозор” сўзининг 7 маъноси шархланган. Демак, умумхалқ тилида ҳам мазкур сўз кенг камровли мохиятга эга. Мумтоз адабиётда, хусусан, Увайсий ижодида эса унинг маъно кўлами янада кенгайганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоира асарларида сўзнинг маълум маъноларидан ташқари, юкорида келтирилган айрим мисоллардан ҳам кўринадики, унинг ирфоний-фалсафий

маъносидан ҳам кенг фойдаланган.

“Токай” радифли газал шоира умрининг кексалик даврида ёзилганга ўхшайди. Чунки киши умрининг маълум бир боскичига борганда, босиб ўтган йўлини бир мушоҳада қилиб кўради. Фаолиятдан кўнгли тўлмаган ўринларни тўлгазиш, тахрир этиш, такомиллаштириш фикрига келади:

Увайсий, колгон умринг ол юзунгга киблаи максуд,

Хирад бозорида килгунгду савдои санам токай.

“Кибла” сўзининг халқ ичида юкори деган маъноси ҳам бор. Шундан келиб чиқиб, мутасаввуф шоира улуг ёшда максаднинг энг юкори мақомига эришиш йўлини танлаш лозимлиги борасида ўйлайди. Ақл билан (хирад бозори) мушоҳада этиш йўлини тарқ этиш, рухий такомилнинг янада юксакроқ мақомини эгаллаш ҳақида катъий ҳукм чиқаради.

Мақолада қайд этилган мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Увайсий ижодида қўлланилган ҳар бир тимсол унинг фалсафий дунёқараш камровини, оламни англаш мезонини, фикрлаш тарзини, ижодий тамойилини, йўналишини аниқлашимизда муҳим аҳамиятга эга.
2. Шоира фойдаланган тимсоллар мажмуи яхлитлашиб, рамзий фикр ва гоёлар талқинига хизмат қилади.
3. Халқ тили бойлигидан унумли фойдаланган шоира ижодида “бозор” сўзининг маъно қўлаи янада кенгаяди. Увайсий унинг маълум маъноларидан ташқари, ирфоний-фалсафий маъносидан ҳам кенг фойдаланади.
4. Ўзигача бўлган мумтоз асарлар анъаналарини ўрганган ва муносиб тарзда янада такомиллаштириб давом эттирган.
5. Мазкур тимсол қўлланган асарлар шоира таржимаи холи ва асарларининг яратилиш даври борасида маълум даражада хулосалар чиқаришимизга, улар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.
6. “Бозор” сўзини қўллаш жараёнида Увайсийнинг дунёвий, ирфоний ва фалсафий билим микёси ҳам ўз ифодасини топган.